



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Равшанов Абдисалом Дусиёрович

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Инновацион иқтисодиёт”
кафедраси доценти, и.ф.н. Ўзбекистон. abdisalom7205@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a14

Аннотация

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигини инновацион фаолият орқали барқарор ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, билим ва инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базасини технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан рақобатбардошлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар. Қишлоқ хўжалиги, инновация, инновацион фаолият, ишлаб чиқариш, билим, озиқ-овқат, рақобат, рақобатбардошлик.

Аннотация

В данной статье обоснованы факторы, влияющие на устойчивое развитие сельского хозяйства через инновационную деятельность, технологическую, техническую и организационно-экономическую конкурентоспособность производственной базы в сельском хозяйстве в результате освоения знаний и инноваций.

Ключевые слова. Сельское хозяйство, инновации, инновационная деятельность, производство, знания, продукты питания, конкуренция, конкурентоспособность.

Abstract

This article substantiates the factors influencing the sustainable development of agriculture through innovation, technological, technical, organizational and economic competitiveness of the production base in agriculture as a result of the development of knowledge and innovation.

Key words. Agriculture, innovation, innovative business, production, knowledge, product nutrition, competition, competitiveness.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш таъминланмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларнинг фаоллашувини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш зарур. Бу тадбирлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички бозорларимизни тўлдириш ва қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини юксалтиришга имкон яратади.

Ушбу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли [1] ва 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сонли Фармонларида алоҳида эътибор қаратилган[2].

Жаҳон озиқ-овқат бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш кўп жиҳатдан бозорга чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ. Ҳозирги шароитда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлик кўрсаткичлари уларнинг ташқи бозорлардаги харидорлиги ҳамда яшовчанлигини таъминлашнинг энг асосий шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг бозорда эгаллаган ўрни мустаҳкамлиги уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатбардошлиги ҳамда рақобатлаша олиш имкониятлари билан ўлчанади.

Рақобатбардошлик бозорда таклиф этилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини акс эттиради. Маҳсулотнинг истеъмол ва қиймат кўрсаткичлари йиғиндиси унга тижорат муваффақиятини таъминлаган тақдирдагина у рақобатбардош ҳисобланади. Рақобатбардош маҳсулот – ўзининг сифат ва ижтимоий-иқтисодий белгилари билан худди шундай бошқа маҳсулотдан манфаатли тарзда ажралиб турувчи товардир.

Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чиқарувчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолай олиш ва тўғри аниқлашдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Рақобат муаммоси бугунги кунда энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бирига айланиб бормоқда. Чунки ички ва ташқи бозорларда рақобат муҳити кундан-кунга кучайиб, рақобатлашиш чегараси фирмалараро рақобатдан тармоқ, мамлакатлар ва ҳудудлар доирасигача кенгайиб кетди.

Кейинги йилларда рақобат назарияси билан жаҳоннинг кўпгина таниқли олимлари шуғулланиб келмоқда, уларнинг ичида америкалик иқтисодчи Майкл Портернинг рақобат назариясига қўшган ҳиссаси энг беқиёсдир ва у бу соҳада энг йирик олим саналади.

М. Портер томонидан тармоқ ичидаги рақобат даражасини аниқлашда соҳасида таклиф қилинган инструментлардан бири – бу 1979 йилда у томонидан илгари сурилган беш куч моделидир. М. Портернинг фикрича, рақобат даражасига нафақат бевосита рақобатчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари, балки фирманинг ўраб турган ташқи муҳити ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Рақобат даражасига таъсир кўрсатувчи бешта асосий омил мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат [3, 44 стр.]:

1. Бозорда янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши хатари.
2. Харидорларнинг бозордаги ҳокимияти.
3. Бозорда ўринбосар товарларнинг пайдо бўлиши хатари.
4. Ресурс билан таъминловчиларнинг бозордаги ҳокимияти.
5. Бозорда мавжуд бўлган рақобатчилар ўртасидаги рақобат кураши.

Майкл Портернинг рақобат назариясида илгари сурилган ғоялар бозор конъюнктураси ва рақобат муҳитини таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистондан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспорт қилиш билан шуғулланувчи ёки бу соҳага энди кириб

келаётган тадбиркорлар учун жаҳон озиқ-овқат бозорларини ўрганишда Портернинг рақобат назарияси назарий-услубий база бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланишини инновацион бошқаруви самарадорлиги масалалари бўйича муаммонинг умумий томонлари иқтисодчи олимларимиз М.Қ.Пардаев, Р.Х.Эргашев, Н.С.Хушматов, Т.Х.Фармонов, Қ.А.Чориев, илмий ишларида ўрганилган. Уларнинг ишлари хўжалик юритишнинг бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали юритиш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди.

Иқтисодчи олим М.Қ.Пардаевнинг илмий тадқиқот ишида иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлига ўтишда иқтисодиётнинг аграр секторидида тўпланиб қолган муаммоларни, балки ушбу тармоқ олдида турган асосий вазифаларни ҳам ҳал этиш зарурлиги билан боғлиқ [4] эканлиги таъкидланган бўлса, Р.Х.Эргашевнинг илмий тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожланишнинг билим ва инновацион йўлга изчил ўтказиш асосида уни барқарор иқтисодий юксалтириш, ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғини замон талабларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги техник - технологик асосда ривожлантириш тўғрисида фикр билдирилган [5].

Яна бир иқтисодчи олим Н.С.Хушматовнинг илмий тадқиқот ишида аграр секторни ривожлантиришнинг инновацион бошқаруви шу билан бирга ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг аграр секторини модернизация қилиш ва уни ривожланишнинг инновацион йўлига ўтказиш вазифаларини ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур тармоқдаги инновацион фаолиятни фаоллаштириш соҳасидаги кўплаб муаммо ва масалаларни ҳал этиш йўллари тўғрисида фикр билдирилган [6].

Профессор Т.Х.Фармоновнинг фикрига кўра аграр секторни ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигини бошқариш самарали тизимини шакллантиришнинг бошқарувга нисбатан институционал ва синергетик ёндашувларни уйғунлаштирган, бошқарувнинг мураккаб объекти сифатида агроиқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, бошқарувнинг асосий методологик тамойилларига асосланган, кўпроқ мослаштириш йўли билан бошқариш моделларини қўллашга йўналтирилганлиги билан изоҳлайди [7].

Таниқли иқтисодчи олим Қ.А.Чориевнинг илмий тадқиқотларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш аграр секторнинг ривожланишини инновацион бошқаруви самарадорлиги бўйича фикр билдирилган [8].

Тадқиқот методологияси

Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-манتيқий фикрлаш, таққослаш, омилли таҳлил ва қиёсий таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Озиқ-овқат ишлаб чиқариш бўйича Осиё давлатлари етакчи ҳисобланса ҳам, лекин парадокс шундаки, очликдан қийналаётган дунё аҳолисининг ярмидан

кўпи Осиёда яшамоқда. Шу сабабли озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш керак”[9].

Шу муносабат билан мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларидаги рақобатбардошлигини ошириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион фаолият қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Мазкур омилдан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш мамлакатимизда агросаноат мажмуининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ягона йўлидир. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жадаллашиб, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви кучайиб бораётган шароитда мамлакатимиз қисқа муддатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг инновацион йўлига жадал ўтишни амалга ошириши, иқтисодиётнинг ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғини замон талабларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги техник-технологик асосда ривожлантириш лозим. Акс ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишдан ортда қолади ва ўзининг рақобатбардошлигини таъминлай олмайди.

Ҳозирги шароитда билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Мазкур омиллардан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш мамлакатимизда агросаноат мажмуиасининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ягона йўлидир. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жадаллашиб, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви кучайиб бораётган шароитда мамлакатимиз қисқа муддатда қишлоқ хўжалигини билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантиришнинг инновацион йўлига жадал ўтишни амалга ошириши, иқтисодиётнинг ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғини замон талабларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги техник-технологик асосда ривожлантириш лозим. Акс ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишдан ортда қолади ва ўзининг рақобатбардошлигини таъминлай олмайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” қабул қилинди ва унда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, тармоқда давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш, аграр секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди[10].

Ҳозирги кунга қадар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ аҳолиси, балки мамлакатимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ. Билим ва инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланиб боради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциясини кучайтиради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг бозорда эгаллаган ўрни мустаҳкамлиги уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатбардошлиги ҳамда рақобатлаша олиш имкониятлари билан ўлчанади. Рақобатбардошлик бозорда таклиф этилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини акс эттиради. Маҳсулотнинг истеъмол ва қиймат кўрсаткичлари йиғиндиси унга тижорат муваффақиятини таъминлаган тақдирдагина у рақобатбардош ҳисобланади.

Рақобатбардош маҳсулот – ўзининг сифат ва ижтимоий-иқтисодий белгилари билан худди шундай бошқа маҳсулотдан манфаатли тарзда ажралиб турувчи товардир.

Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чиқарувчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолай олиш ва тўғри аниқлашдир.

Рақобат муаммоси бугунги кунда энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бирига айланиб бормоқда. Чунки ички ва ташқи бозорларда рақобат муҳити кундан-кунга кучайиб, рақобатлашиш чегараси фирмалараро рақобатдан тармоқ, мамлакатлар ва ҳудудлар доирасигача кенгайиб кетди.


Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича ҳозирги шароитида ундаги инновацион жараёнларни бошқариш назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан етарли даражада ўрганиб чиқилмаганлигича қолмоқда.

Иқтисодий адабиётларда озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини аниқлаш услубияти ва кўрсаткичлари тизимини ёритишда ягона ёндашув мавжуд эмас. Олиб борилган илмий изланишлар асосида биз маҳсулотлар рақобатбардошлигини аниқлашни қуйидаги босқичлар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-расм).

Илмий адабиётларни ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, бугунги кунда рақобатбардошликни таъминлашнинг энг асосий омилларидан бири – маҳсулотларнинг бозордаги рақобатбардошлик устунлигидан фойдаланишдир. Рақобат устунлигини таъминлашда иккита ёндашув мавжуд:

Биринчи ёндашув – ишлаб чиқаришда масштаб самарасидан фойдаланиш ва энг яхши технологияларни қўллаш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш, демак рақобатчиларга нисбатан маҳсулот нархини арзонлаштириш орқали рақобат устунлигини таъминлаш.


Иккинчи ёндашув – харидор учун маҳсулотнинг нафлилиги ва қадр қимматини ошириш (истеъмол хусусиятлари, фойдалилиги, сифати, дизайни, қадоқланиши, сотишдан олдинги ва кейинги сервис, кафолат бериш ва бошқалар) орқали унинг эҳтиёжларини максимал қондиришга интилиш орқали рақобат устунлигига эришиш.



1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар рақобатбардошлигини аниқлаш босқичлари¹

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларига нисбатан бу юқори сифатли, экологик хавфсиз ва бетакрор таъм хусусиятларига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларни сифат кўрсаткичлари бўйича табақалаштириш, сақлаш, истеъмолчилар учун қулай тарзда қадоқлаш ва етказиб бериш (керак бўлса уйларига) масалаларини ўз ичига олади.

Фикримизча, озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига қуйидаги омилларни киритиш мақсадга мувофиқ (2 расм).



2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар тизими²

¹ Б.Т. Салимов., М.С. Юсупов., А.С. Юсупов. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш омиллари “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2014 йил

² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун товар ишлаб чиқарувчиларимиз ўзларининг жаҳон бозорларидаги рақобат стратегияларини аниқ белгилаб олишлари лозим. Бунинг учун экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон озиқ-овқат бозорларидаги аналогик маҳсулотлардан рақобат устунлигини таъминлаш ва шу орқали бозорларда ўз мавқеини мустаҳкамлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланиш муаммолари Ўзбекистон учун алоҳида долзарблик касб этади, чунки фақатгина янги ресурстежамкор, илғор технологиялардан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда инновацион ривожланиш атроф-муҳитни сақлаб қолишни ҳисобга олиб қишлоқ хўжалигининг иқтисодиёт барқарорлигини жадал суръатларда ўсишини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар

Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарини рақобатли устунликлари шакллантирилади, энг муҳими, мослашувчанлик ва бозордаги барча ўзгаришларга тезда жавоб бериш имкониятлари ошиб боради:

➤ қишлоқ хўжалиги тармоғида замонавий технологияларнинг турли вариантларини таққослаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, жорий ва инвестициявий харажатларни камайиш имконини беради;

➤ таннархи анча паст бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва нархларнинг бир хил даражасида ҳар бир экин бўйича бир гектар ердан кўпроқ даромадлар олиш имконини беради;

➤ қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни ўзгартириш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошишига олиб келади;

➤ янги ресурсни тежовчи технологияларга ўтишда қишлоқ хўжалик корхоналарининг технологик тизимида билимлардан самарали фойдаланиш;

➤ қишлоқ хўжалиги корхоналарида технологик ва ташкилий-иқтисодий инновацияларни жорий этишнинг жараёни алгоритмларини ишлаб чиқиш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари ва рақобатбардошлигини ошириш қишлоқ хўжалигининг барқарор суръатлар билан ривожланиши ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоғининг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60 сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида” ПФ-6159-сонли фармони.

3. Портер М. Конкуренция. Пер. с англ. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2005.

4. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий

механизмларини такомиллаштириш //Иновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодийetni модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истиқболлари. – 2015, 22 б.

5. R.X.Ergashev, S.N.Xamrayeva, Iqtisodiy o’sish - (darslik) «Intellect» nashriyoti, 2022. –243 bet.

6. Хушматов Н., Файзуллаева Т. “Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш асослари” // Экономика и класс собственников. – Тошкент, 2004. №1. –46 б.

7. Фармонов Т.Х. Фермер хўжалиklarини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, - 2004. – 30 б.

8. Чориев Қ.А. Бозор инфратузилмасини шакллантириш – иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштириш гарови //Бозор ислоҳотлари чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантириш: республика илмий – амалий семинар маърузалар тўплами. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 1998. – Б.15.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш мажлисидаги нутқи <https://president.uz/uz/lists/view/5606>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” ПФ-5853-сонли Фармони.